

Ҳалол яша, албатта бахтли бўласан!



12:30 / 12.06.2021 2390

Мен бу қиссани сира ҳам унутмайман. Шомнинг Ҳамидия бозори кўчасида ўта фақир йигит газлама мато сотар, газламанинг метри 50 лира бўлиб, 1 долларга тенг эди. Унинг олдига Эронлик бир аёл келиб, газламасини ёқтириб қолди ва бир метр сотиб олиб, пулини тўлади ва кетди.

Икки дақиқа ўтгач сотувчи йигит чўнтагига қараб унда 100 доллар кўрди. Ие, бу қаердан келди экан, газлама мато пулига бир доллар олган эдику? Э-э бўлди, анави аёл адашиб бир доллар ўрнига 100 доллар бериб юборган шекилли.

Йигит ёнидаги савдогарга: «Илтимос, савдо молларимга қараб тулинг», деди-да, сўнгра ҳалиги аёл ортидан югурди. Икки юз метр наридан уни топиб:

«Кечирасиз, сиз мендан мато сотиб олгандингиз. Уни пули бир доллар, сиз адашиб 100 доллар берибсиз, мана пулингиз, менга бир доллар берсангиз», деди.

Ҳалиги ажнабия аёл савдогар йигитга чуқур миннатдорчилик билдириб, пулини қайтиб олиб, бир доллар бериб кетди. Ўша ердаги воқеани кузатиб турган катта дўкон эгаси бўлмиш бадавлат инсон ҳалиги фақир йигитга: «Ҳой йигит, мен билан шерик бўлиб савдо қилмайсанми?», деди. Йигит

рози бўлди.

Аллоҳга қасамки, ҳозир шу ҳалол йигитнинг каттагина савдоси, гўзал уйи ва қимматли улови ҳам бор. Уйланиб оилали ҳам бўлган!

Аллоҳ таоло бу инсоннинг ҳалоллигини ана шундай мукофотлади!

Шайх Муҳаммад Ротиб Нобулсий